

ШАХС ИҚТИДОРИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Мунарова Раъно Усаровна, старший преподаватель
Джизакского филиала Национального Университета Узбекистана и
ДжГПУ**

**Мамаражабова Насиба Абдусаид кизи
Холжураева Гулхаё Холжурда кизи студентки 2 курса филиала
Казанского федерального университета**

abdumuminova.s@gmail.com

Аннотация: В данной статье периоды проявления способностей гармонично развитой личности научно обоснованы понятиями всесторонне развитой личности, уверенности, самовоспитания, таланта.

Ключевые слова: одаренность, образование, компетентная личность, креативность, уверенность, самообразование, талант, способности, IQ, наука, тест.

Ёшларни баркамол шахс этиб шаклантириш таълим - тарбия жараёнида долзарб масала бўлиб, муҳим психологик аҳамиятга эга. Ушбу долзарб масаланинг муваффақиятини таъминлашда ўқувчиларнинг ўз - ўзини тарбиялаш жараёнини тўғри, тизимли, режали ташкил этиш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтидор соҳибларининг ҳаёти, ижоди хақида турли қарашлар мавжуд. Педагог ва психологларнинг фикрига кўра инсон тайёр қобилият билан эмас, балки истеъдод куртаклари билан дунёга келади. Инсоннинг иқтидори унинг турли ёшида турлича намоён бўлади. Масалан ўзбек халқ шоири Мақсуд Шайхзода 5 яшарлигига 8-10 мисрадан иборат масал тўқиган, Туркияning машҳур шоири Нозим Ҳикмат 13 ёшида шеър ёзган, таниқли мусаввир Карл Брюллов юксак қобилияти туфайли 9 ёшида ёк рассомлик академиясига қабул қилинган, у 13 ёшида “Чавандоз қиз” расмини чизган.

Баъзи бир шахслар ўз иқтидорларини кексайган чоғларида ҳам намоён этади. Масалан, Юнонистоннинг атоқли драматурги Софокл қариб-қартайган чоғида “Эдип колоннада” деган машҳур трагедиясини ёзган, Суқрот 94 ёшида “Атина мадҳияси” асарини яратган, унинг устози Георгий 107 ёшида вафот этган, лекин ҳаётининг сўнги дақиқаларигача илм билан шуғулланган, шоир Беранже 77 ёшгача, Л.Н.Толстой -82, Виктор Гюго - 83, академик И.П. Павлов - 87, микробиолог Гамалей – 90 ёшгача, Диоген, Демокрит, Тициан и Микеланжело ижодий фаолиятини 80 ёшгача, Бернар Шоу эса 94 ёшгача ўз ижодий фаолиятини намоён этган. Инглиз ёзувчиси Бернард Шоу айтганидек, “Ёшлик – эҳтирос ва ҳиссиётлар даври бўлса, кексалик – ўй – хаёллар ижод ва ақл палласидир”.

Theoryandpractice ru манбасида ёзилишича, 1928 йилда ёк америкалик руҳшунос ва педагог Эдвард Торндайк одамнинг илм олиш қобилияти 20 ёшгача ривожланишини, кейин аста - секин сусайишини асослаб берди.

Замонавий IQ (intelligence quotient – интеллект коэффициент) тестлари назарияси муаллифларидан бири Д.Хорн эса интеллектнинг икки тури мавжудлиги борасида ўз қарашларини илгари сурди. Биринчиси, биологик асосга эга бўлган интеллект (у ёш кўрсаткичига боғлиқ). Иккинчиси, шахс бошдан ўтказадиган ижтимоий воқеа - ҳодисалар таъсири ўлароқ унинг бутун ҳаёти давомида ҳамроҳлик қилувчи интеллект. Демак, инсон неча ёшда бўлишидан қаттий назар, унда иккинчи турдаги интеллект мавжуд бўлади ва у ҳаёти тажриба, кузатувлар орқали бойиб боради. Буни Европа геонтология маркази маъruzачиси М. Формозанинг оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида айтган қуидаги гаплари ҳам тасдиқлайди: “Ёши катталар, кексалар таълим жараёнига машғул бўлиш орқали молиявий ва юридик масалаларни янада яхши тушуна бошлайди. Ижтимоий, сиёсий, технологик ўзгаришлар борасида аниқроқ тасаввур ҳосил қиласди. Бундан ташқари, уларда янги - янги қизиқишлар пайдо бўлади. Бу эса уларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилайди, ижтимоий ёлғизланиб қолиш ва ўзини кераксиздек ҳис қилишдан қутулишга ёрдам беради.”[1]

Шахснинг иқтидорини шакллантириш хусусида турлича қарашлар мавжуд. Баъзи манбаларда шахс иқтидори унинг оиладаги ўрни билан боғлиқлигини исботлайди, яъни оиладаги тўнғич фарзанд масаласидир. Буюк шахсларнинг баъзилари, яъни Мильтон, Леонардо до Винчи, Гейне ва Рубинштейнлар оилада тўнғич фарзанд бўлганлар. Лекин Д.И.Менделеев, Мечников оилада кичик фарзанд бўлганлар.

Шахснинг имкониятлари чексиздир, лекин ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиш учун инсонга сабр – тоқат, меҳнат, ўзига ишонч ва ўз - ўзини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Зоро, К. Боуви инсоннинг ишончи ҳақида шундай ёзади, “Кўпгина муваффақиятсизликлар сабабчиси – ўзига ишончсизликдир”.

Ҳар бир инсон вақти – вақти билан диққат – эътиборини жамлаб ўз шахсий ҳаётини кузатиши лозим. Ўз- ўзини таҳлил қиласдан инсон шахси тўлақонли шаклланмайди. Л.Н.Толстой бу хусусида шундай ёзган: “Доимо шундай жиддий фикрлайман, мен қандай яшаяпман, ўзимни текшираман”. Ўз-ўзини текширишни бошлаш ҳеч қачон кеч эмас, балким доимо фойдалидир. Инсон ўз- ўзини таҳлил этишни онгли ташкил этсагина, ўзида мавжуд бўлган камчиликларни сезади, ўз камчиликларни йўқотишга ўзида куч топади.

Инсон ўз – ўзини тарбиялаш учун у қандай қоидаларни билиши ва билим, қўникма, малакаларга эга бўлиши керак. Бунинг учун у ўзини жуда яхши билмоғи, ўз- ўзини сидқидилдан чуқур ўрганиши зарур. Ушбу хатти - ҳаракатлардан ўз – ўзини тарбиялаш, ўз – ўзини ривожлантириш ва ўз- ўзини шакллантириш жараёнлари бошланади.

Ҳар қандай инсон ўзида мавжуд бўлган хислатлар ва камчиликларни аниқ билмасдан туриб ўз - ўзини тарбиялаши мумкин эмас. Ўз- ўзини таҳлил қилиш оптимистик характерга эга бўлиши керак.

Ўз- ўзини тарбиялаш жараёни буюк шахслар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Улар ўз ижодлари устида мунтазам ишлаганлар. Куйида бир неча буюк шахслар ҳаёти ва ижодидан намуналар келтирамиз.

Ўзбек халқининг истеъдодли шоири ва донишманди Аҳмад Юғнакий туғма кўзи ожиз бўлишига қарамасдан ўзининг устида мунтазам ишлаган ва ўзининг машхур асари “Ҳибатул - ҳақойик”(“Ҳақиқатлар армуғони”) асарини ёзиб қолдирган. Номаълум шахс томонидан ёзилган қайдда шорнинг кўзи ожиз бўлгани ва китобнинг 14 бобдан иборат эканлиги айтилади:

Туга кўрмас эрди адабнинг кўзи,
Тузатти бу ўн тўрт боб ичра сўзи.[2]

Аз-Замахшарийнинг ҳаёти, ижодий ва илмий фаолиятини чуқур ўрганиш катта маърифий ва амалий аҳамиятга моликдир улкан ҳаётий, тарбиявий жиҳатлари, ҳавас қилса арзийдиган даражада ибратли қирралари ҳам кўпdir.

Маълумки, бирон - бир алломага насиб этмаган юксак мақом – Жоруллоҳ (“Аллоҳнинг қўшниси”) деган лақабга фақат буюк ватандошииз аз – Замахшарий мушарраф бўлган.

Ёшлиқ чоғларидан илм-урфонга ташна бўлиб ўсган аз-Замахшарий ўз билимини ошириш мақсадида ўша даврнинг йирик илмий ва маданий марказларидан бири бўлган Бухоройи шарифга йўл олган. Аммо илм толиби йўлда юз берган баҳтсиз ҳодиса(отдан йиқилиб оёғи қаттиқ лат егани, бунинг устига, қаҳратон совуқ бўлгани) туфайли бир оёғини кестиришга мажбур бўлади ва бутун умри давомида ёғоч оёқда юради. Лекин бу ногиронлик унинг билим олишига тўқсинглик қила олмайди. У ёшлигидан илм - фаннинг турли соҳаларини, айниқса, араб тили ва адабиёти диний илмлар мажмуасини мукаммал эгаллайди. Айни вақтда ўша даврда илм аҳллари орасида ғоятда зарур ва муҳим ҳисобланган хаттотлик санъати сирларини ҳам тўлиқ ўзлаштириб, уни обдон эгаллайди ва бу билан ўз оиласи турмуш шароити, тирикчилигини ҳам бир қадар яхшилади. Жисмоний нотавонлигига қарамасдан аз-Замахшарийнинг катта иштиёқ ва астойдии событқадамлик билан билим олиш йўлидаги кўрсатган бу жасорати ва фидоийлиги ҳар қандай таҳсинга сазовордир ва катта бир ибратдир.

Аз – Замахшарий Қуръони Карим битилган араб тилини ёшлигидан катта ҳавас ва иштиёқ билан ўрганди, арабларнинг ҳаёти ва уларнинг урф – одатларини, турли лаҳжаларини узоқ йиллар тинимсиз тадқиқ қилди. Аллома араб тилига алоҳида меҳр билан қарап эди. Шу боисдан ҳам бу тилни чуқур ўрганиш, араб тилининг грамматикаси, лексикаси, умуман, араб тилшунослигига оид бир қанча муҳим асарларни шу ногирон донишманд яратган. Унинг жумлай жаҳонга донғи кетган “Муқаддимат ул - адаб”, “Ал - Муфассал”, “Асос ал - балоға” каби йирик таълифлари мана шу йўналишда ёзилган асарлардир. Арабларнинг “Агар хоразмлик шу кўса, чўлоқ бўлмаганида, араблар ўз тилларини билмас эдилар!” деб лўнда қилиб алломага берган баҳосига ҳеч бир изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Араб тилига, унинг беҳад катта имкониятларига тан берган аллома барча

асарларини факат араб тилида яратган. Бу тилни мукаммал ўзлаштирганининг боиси, албатта, катта меҳнат ва тинимсиз изланишлар самарасидир.

Аллома ногиронлигига қарамасдан саёхату сафарларга ўч бўлган. У Хуросон, Шом, Ироқ, Ҳижозгда бўлганлиги ёзма манбаларда қайд этилган. Мана шу юртлара бўлганида ўша даврнинг кўп машхур олимларидан сабоқ олди. “Менинг соchlаримни оқартирган нарса – бу муттасил китоб мутолаа қилиш ва тинимсиз саёхатлардир”, - деб алломанинг ўзи эътироф этади. Чиндан ҳам бу ҳол машхур шарқшунос олим, академик И. Ю. Крачковскийнинг “Ёғоч оёқда юрганлигига қарамасдан аз – Замахшарий ҳазратлари ўт ҳаракатчанлиги билан ажralиб турган”, - деб ёзиши ҳам бежиз эмаслигини кўрсатади.[3]

1093 кашфиётiga патент олган ва дунёning энг буюк кашфиётчиларидан бири бўлган, лекин ўқувчилик пайтида “қолок” ҳисобланган Эдисон: “Болалигимда отам мени ақли паст деб ўйларди”, деган эди. Эйнштейн эса ўқиш ва ёзишга қийналгани учун тенгқурларидан орқада қолганди. У ҳақида синглиси Мая Винтелер хотираларида шундай ёзади: “Болалигига ривожланиши жуда секин эди. Гапиришга қийиаларди. Атрофидагилар унинг соқов бўлиб қолишидан қўрқишаради. Айтмоқчи бўлган нарсаларни базур гапиравади. Бу ҳол етти ёшигача давом етди”. Қийинчнлик билан бўлса-да Эйнштейн мактабни битиргач, университетта ўқишга кирди. Аммо университетни битираётганида ҳеч кимдан тавсиянома ололмагач, оддийроқ ишга, яъни Швециядаги патент идорасига ишга жойлашди. Гўёки ўтмиши унга келажакда ҳам ўртаҳол бир ҳаётни ваъда қилаётгандек эди.

Лекин бир лаҳзада ҳамма нарса ўзгарди. 1905 йил, 26 ёшли Эйнштейн ўша машхур формуласини “Нисбийлик назариясини” эълон қилди. Энди у Нобел мукофотига лойик кўрилган машхур олимга айланганди. 1955 йил вафот этган Эйнштейн ҳали ҳамон “доҳийлик”, “устун заковат” тимсоли саналади.

Ўлимидан олдин бир гуруҳ олимлар Эйнштейндан вафотидан сўнг миясини текшириб кўришга рухсат беришини сўрадилар. У ҳам рухсатни бир шарт, яъни ўзи ёзиб қолдирадиган мактубни текширув натижалари эълон қилинаётган пайтда оммага ўқиб бериш шарти билан берди. Орадан бир неча йил ўтиб, Эйнштейн вафот қилди. Олимлар мияни маҳсус идишда сақлаб, парчаларга бўлиб текширувни бошлашди. Аммо бирон бир ғэйриоддий нарсага дуч келишмади. Жамоатчиликни эса Эйнштейнни Эйнштейн қилган жиҳат, яъни миянинг қандай ишлаш жараёни қизиқтиради эдн. Тадқиқот якунида ўтказилган матбуот анжуманида Эйнштейн ўлимидан олдин бир мактуб қолдиргани эълон қилинди. Мактубда шундай сатрлар бор эди: “Ўзимни бошқалардаи ақллироқ деб ўйламайман. Битта фарқим, хаёл кучимдан кўпроқ фойдаланишимдадир”.

Хулоса қилиб айтсак, ҳар бир инсонда даҳо яширган. Қилиниши керак бўлган иш шахсни ривожлантиради. Яъни ҳамма ўз миясннинг меъмори, десак хато қилмаймиз. Энг муҳими ўрганишни ва фикрлашни ўрганишдир.

Адабиётлар

1. Маърифат 20013 й. 23 март 12 б.
2. Н. М. Маллаев Ўзбек адабиёти тарихи. Т.- 1976, б.139
3. У. Уватов Хоразмлик буюк аллома. Т.: 2006, б. 34-37.
4. Munarova, R., & Абдумуминова Махлиё Оқмирза кизи. (2022). СЕМЕЙНЫЕ ПРОБЛЕМЫ В РОМАНЕ ЛЬВА НИКОЛАЕВИЧА ТОЛСТОГО «АННА КАРЕНИНА». Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5098>
5. Ra'no Munarova, ФАКТОРЫ, МЕТОДЫ И ФОРМЫ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonitoriy ta'linda pedagogika va psixologiya fanlari
6. Ra'no Munarova, ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ЛИТЕРАТУРА КАК СТИМУЛ И СРЕДСТВО САМОВОСПИТАНИЯ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education
7. Ra'no Munarova, Абдумуминова Махлиё Оқмирза кизи, СЕМЕЙНЫЕ ПРОБЛЕМЫ В РОМАНЕ ЛЬВА НИКОЛАЕВИЧА ТОЛСТОГО «АННА КАРЕНИНА» , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 2 № 5 (2022): Журнал педагогики и психологии в современном образовании
8. Munarova, R. (2022). ПРОБЛЕМЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ВОСПИТАНИЯ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5097>
9. Педагогические взгляды Абу Али ибн Сины (Авиценны) / Ш. У. Камалова, Р. У. Мунарова, Н. А. Ахмедова [и др]. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2015. — № 9 (89). — С. 1068-1070. — URL: <https://moluch.ru/archive/89/17662/>
10. Мунарова Раъно Усаровна, Камолова Ширин Усаровна, Шакарбоева Шахноза Абдулакимовна, Каршибоева Дилфузা Бурлиевна, & Алимкулов Сирожиддин Олимжон ўғли (2016). Великие мыслители Средней Азии о воспитании гармоничного и всесторонне развитого поколения. Проблемы педагогики, (2 (13)), 17-19.
11. Мунарова, Р. У., Камолова, Ш. У., Шакарбоева, Ш. А., Каршибоева, Д. Б., & Алимкулов, С. О. У. (2016). Великие мыслители Средней Азии о воспитании гармоничного и всесторонне развитого поколения. Проблемы педагогики, (2 (13)).
12. Munarova, R. N. O. S., & Soibnazarova, M. N. L. (2022). ONTOGENEZNING TURLI DAVRLARIDAGI SHAXS IQTIDORINI NAMOYON BO'LISH JIHATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(2), 682-688.

13. Sh., Kamolova, Yaxshieva, M Sh., Eshonkulov, E. S., Jumartova, U. U., & Urazoliev, X. A. (2015). Formirovanie nauchnogo mirovozzreniya studentov. In Aktualnye zadachi pedagogiki (pp. 184-186).
14. Kamolova, Sh. O‘., & Munarova, R. O‘. (2010). Urovni sovershenstvo lichnosti. Issledovatel nauchnyy jurnal.–Qozog‘iston, 5(49), 100-105.
15. Kamolova, S. (2020). Talabalar ilmiy dunyoqarashini yuksaltirishning axborotli-pedagogik asoslari . Scienceweb academic papers collection.

16.